



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 3 октябрь, № 191 (6121)

Жума

САЙЁҲЛИК СОҲАСИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Кеча Самарқанд шаҳридаги “Форумлар мажмуаси”да БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилди.



(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНВТО ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги «Форумлар мажмуаси»да БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгашининг 99-сессиясида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган мазкур ташкилот Бош котиби Талей Рифаини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон ушбу ташрифига ЮНВТО мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканининг тасдиғи, деб қарашини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистонда туризмнинг халқаро, экологик, табиий-маданий, тиббий ва бошқа замонавий турларини, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва реставрация қилиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, Буюк Ипак йўли брендини биргаликда тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда.

ЮНВТО сайёҳлик соҳасида жаҳондаги етакчи институт сифатида маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқлар-

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам жаноб Талей Рифаи!
Хурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!
Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни — Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноати вакиллари кутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-этиромимни билдириш, Ижроия кенгашининг 99-сессиясида самаралари ва муваффақияти иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Аваламбор, Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсақлар билан, очик юз билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни айнан Самарқандда, Ўзбекистонда кўриб турганимдан чин дилдан хурсанд эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Сизлар бизнинг заминимизга ташрифингиздан мамнун ва рози бўлсангиз — бу меннинг энг катта тилагим, десам, айна кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Бугун бу залда 150 дан ортиқ туризм саноати вакиллари ҳозир бўлганидан хабардорман. Бу анжуманда, шунингдек, бизнинг дўстларимиз — Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатлар ҳам иштирок этмоқда. Улар бизнинг меҳмонларимиз билан биргаликда барча муҳим анжуман ва тантанали маросимларимизда доимо қатнашиб келишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби жаноб Талей Рифаи ва кенгашининг барча аъзоларига мазкур кенгашнинг навбатдаги сессияси мажлиси ўтказиладиган жой сифатида турли маданиятлар чорраҳаси ва жаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлиши қадимий ва ҳамisha нав-

қирон Самарқанд шаҳрини танлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Самарқанд шаҳрининг тарихий аҳамияти, унинг бекиёс гузаллиги ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Салкам уч минг йиллик гоёт бой тарихга эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улғувор меъморий ёдгорликлари, мовий гум-базлари, бетакрор шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган «Хаффингтон пост» интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатида киритди.

Ўзида энг қадимги даврлар ва бугунги ҳаётни узвий равишда уйғунлаштириш ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонларимизни мана шу меҳмондўст заминда кўриш ва бутун Самарқанд аҳли номидан, шахсан ўз номимдан «Самарқандга хуш келибсиз!» деб айтиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадри дўстлар!
Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажлисининг асосий кун тартиби гоёт муҳим масалага — «Буюк Ипак йўли — халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари» мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саё-

ҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар тўташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи миллоддан аввалги икки минг йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, хунармандлик ва савдо-сотиқ кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва химия каби фундаментал фанларни чўқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса — Буюк Ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Миллоддан олдинги III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопот-

амия текисликларидан Ҳинд воладейсигача, Ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача чўзилган бепоён Ўрта Шарқ минтақасидаги бир-биридан жуда узокдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу ҳудудлар Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчиб юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва хунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Уша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташини учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк Ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шийа, гилам, металл, қурол-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зираворлар, шунингдек, машҳур хитой қоғози ташилган.

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва менинг назаримда, бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятларидан бирига айланмоқда.

Бугун биз туризмнинг ўрни ҳақида, айниқса, халқаро сайёҳликнинг ҳозирги босқичдаги аҳамияти ҳақида гапирганда, энг долзарб масалалардан бири — бу толерантлик тамойили бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз айнан туризм орқали толерантлик нима эканини биланмиз, англаймиз. Бу халқаро тушунча бўлиб, дунёдаги барча миллатларга бирдек қадри ва тушунарлидир. Толерантлик авваламбор турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ва энг асосийси бир-бирини тушунишни аниқлатади.

Бу икки тушунчани ана шундай англаш қаредки туризм ривожланган бўлса — ўша ерда толерантлик бор, деб айтишга имкон беради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Буларнинг барчаси турли даврларда Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтган машҳур саёҳатчи ва тадқиқотчиларнинг қундалиқларида ўз ифодасини топган. Бу инсонлар турли миллат вакиллари бўлганлар, хусусан, хитойлик Чжан Цзянь, италиялик Марко Поло, испаниялик Клавихо, арабистонлик Ибн Фадлан ва Ибн Баттута, америкалик Пампелли, англиялик Женкинсон, германиялик Шильбергер, франциялик Мартен ва Бонвало, венгриялик Вамбери, швейцариялик Хедин ва швейцариялик Майяр шулар жумласидандир. Уларнинг орасида турли касб эгалари — зиёратчилар, миссионерлар, савдогарлар, олимлар, дипломатлар, тадқиқотчи ва адиблар бўлган. Уларнинг ҳар бири халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихига салмоқли ҳисса қўшган ва бунинг учун биз улардан бениҳоят миннатдоримиз.

Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёҳатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб ҳукмдорининг саройида Хитой, Корея, Жанубий ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-эътиқод, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби фазилатлар халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадим-жоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида бекиёс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Абдухалик Фихудуновий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бахууддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом мажмуалари сингари табаррук масканларда олиб борилган катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обидалар дийримизнинг гўзал, файзли масканларига айланди.

Ана шундай савобли ва улғувор ишларнинг узвий қисми сифатида диний маърифат асосларини, дунёвий илмларни чўқур ўрганиш мақсадида Тошкент Ислам университети ташкил қилинди ва талабаларнинг замонавий таҳсил олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Бундай савобли ва олижаноб ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз пойтахти азим Тошкентнинг қўна

Минор мавзесида муҳташам масжид барпо қилинди. Илгари хабар берганимиздек, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шу йилнинг 18 июль куни бу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишган эди.

Юртбошимиз бу ерда моҳир қурувчи, муҳандис ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр билдириб, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича муҳим кўрсатма ва тавсиялар берган эди.

Орадан икки ярим ой ўтиб, мажмуадаги ишлар ўз ниҳоясига етди. 1 октябрь куни, муқаддас Курбон ҳайити арафасида Ислам Каримов ушбу эзгулик масканига ташриф буюрди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунинг учун ҳам 20 йил аввал Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилингани беҳиз эмас. Ушбу ҳужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоеён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқа­лар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган эди.

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳри­да Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ипак йўлидаги минтақавий маркази­ни ташкил этиш ҳақидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган ва ҳар то­монлама тўғри қарор, деб ҳисоблай­миз.

Хурматли форум иштирокчилари! Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, гло­баллашув жараёнларининг жадалла­шуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривож­и йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олди­га янги-янги талаблар қўяётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасав­вур қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримлари­га қисқача тўхталиб ўтмоқ­чиман.

Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилай­диган **энг муҳим омиллар**, ҳеч шуб­ҳасиз, бутун дунёда, турли минтақа­ларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсиз­лик, сиёсий ва иқтисодий барқарор­ликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизм, тобора авж олиб бораётган радика­лизм, маҳаллий урушлар ва бир жой­дан иккинчи жойга боришда хатар­лар пайдо бўлаётгани туризмни ри­вожлантириш борасидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатни йўққа чиқарадиган тўсиққа айланганини исботлаб ўти­ришининг ҳолати йўқ ва биз буни аниқ мисолларда кўрапмиз.

Ана шу сабаблар оқибатида кеча­гина туризм гуркураб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин камайгани ёки бутунлай тўхтаб қолгани ҳақида мисоллар келтири­шининг зарурати бўлмаса керак — ҳам­и­ша, таъбир жоиз бўлса, сайёҳлар оқимининг чорраҳаси бўлиб келган айрим Яқин Шарқ мамлакатлари мисолида буни кўриб турибмиз.

Ўзингиз қаранг, Сурия ва Ироқда, дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган, бизнинг аждодларимиз, масалан, Муҳаммад Хоразмий фао­лият кўрсатган, «Байтул хима», яъни «Хикматлар уйи» деб ном олган жа­ҳондаги биринчи академия ташкил

этилган Бағдодда бугунги кунда туризм борми?

Ҳозирги вақтда Бағдод қандай аҳволда, Дамашқ ва бу минтақадаги бошқа шаҳарлар қандай аҳволда? Бундай ҳолатнинг сабаби эса фақат битта: аввалги ёдгорликлар, музей­лар сақланиб қолган, аммо сайёҳлар учун қафолат йўқ, хавфсизлик йўқ. Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса ҳеч қандай сайёҳлик бўли­ши мумкин эмас. Бу ёдгорликларни кўриш учун ким жонини хавф-хатар­га қўяди? Агар ана шу нуқтаи назар­дан қарайдиган бўлсак, бугунги кун­да тинчлик-осойишталик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бири­ни тушуниш қандай ҳал қилувчи омил эканини барчамиз яхши биламиз.

Иккинчи муаммо, туризм соҳа­си­даги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Бу ҳақиқатни жаҳонда туризмга та­лабнинг асосий ўсиш кўрсаткичлари ривожланаётган давлатлар, биринчи навбатда, Осиё мамлакатларининг жадал суръатлар билан юксалиб бо­раётган иқтисодиётида шаклланаёт­гани ҳам тасдиқлайди. Бошқача айт­ганда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудагидек ўз аксини топмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда халқ­ро туризм ўрта синф учун дам олиш­нинг кенг тарқалган турига айланиб бормоқда.

Шундай бир қонуниятни кўриш, ку­затиш қийин эмас — қайси мамла­катда ўрта синф қатлами қанча кўп ва кенг бўлса, унинг сайёҳлик сало­ҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бу борада ўрта синфга мансуб одамларнинг жуда ҳаракатчан ва тад­биркор бўлиши, уларнинг янгилик­лари билан излаб яшашга, ўз қобилияти ва имкониятларини амалга ошириш­га интилиши муҳим ўрин тутади.

Тўртинчидан, сайёҳлик инфрату­зилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, за­мо­навий ахборот технологияларининг жорий этилгани — биз ҳар қадамда дуч келадиган масалаларнинг ҳам­ма­си бу борада катта аҳамиятга эга.

Бешинчидан, мазкур соҳада кўп нарса туризм санаетига йўналтири­ладиган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағла­рини ва мазкур соҳага маблағ сарф­лаши учун хусусий капитал ва биз­несга давлат томонидан зарур имти­ёз, преференция ва рағбатлантира­диган омиллар яратилишини, инфра­тузилма, меҳмонхона ҳўжалиги, транспортни ривожлантириш, замо­навий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатиши таъминлашни ўз ичига олади.

Сайёҳлик комплексларини барпо

этиш, тарихий объектлар, турли давр ва маданиятларга оид архитектура ва санъат ёдгорликларини ўрганиш ва асраб-авайлаш, сайёҳлик логистика­сини ривожлантириш биринчи навбатда айна шу йўналишдаги ишларга боғлиқ.

Олтинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёр­лаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замо­навий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Син­гапур менежменти ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-хунар колле­жи фаолият кўрсатмоқда.

Бугун сизлар бизнинг бир нечта коллеж ва лицейларимиз, хусусан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей билан танишдингиз. Жумладан, жа­ноб Рифаи ҳам бу таълим масканида бўлди. Мен хурсандманки, бизнинг ёшларимиз, фарзандларимиз азиз меҳмонларимизни муносиб кутиб олиб, ўзларининг билими ва қобили­ятлари, замонавий касб-хунарларни, хорижий тилларни қандай пухта ўзлаштираётгани билан сизларда катта таассурот уйғотди.

Мен бутун Ўзбекистон болалари­ни ўзимнинг болаларим деб атайман. Шу маънода, мен дунёдаги энг бой инсонман. Мазкур лицей ўқувчилари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ко­тиби олдида ўз истевод ва қобили­ятларини намоён этишган. Айна вақт­да сизларни ишонтириб айтмоқчи­манки, бу ёшлар яна кўп нарсаларга қодир.

Еттинчидан, бизга масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрок­ратик расмиятчиликларни соддалаш­тириш, хусусан, сайёҳлик фирмала­ри фаолияти учун зарур молиявий ка­фолатлар бериш ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлан­тиришда муҳим ўрин тутади.

Бундай кафолатларнинг йўқлиги кўп­лаб сайёҳлик операторларининг об­ру­сига путур етказаяётгани, халқ­ро туризмни ривожлантириш ва унинг жозибадорлиги йўлида жиддий ғов бўлаётганини биз баъзи мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Халқаро таҳриба шуни кўрсатмоқ­даки, сайёҳлар бошқа омиллар қато­рида ўзлари истаган мамлакатга бо­риш учун тартиб-қоидаларнинг оддий ва қулай бўлишига, бу борадаги бар­ча зарур расмийлаштирув ишларини тез ва арзон нарҳда амалга ошириш имкониятига ҳам эътибор қарат­моқда.

Бу йўналишда электрон техноло­гияларни жорий этиш, виза олиш муддатининг имкон қадар қисқа бўли­ши, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш, интернет орқали «он­лайн» режимда сайёҳлик йўналиш­лари ва меҳмонхоналарни олдидан банд қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайёҳлар оқими ва умуман, ҳар бир сайёҳнинг кайфиятини белгилай­диган ана шундай энг муҳим шарт ва кафолатлар рўйхатини яна давом эт­тириш мумкин. Аминманки, бу бора­да, яъни, туризм соҳаси ва сайёҳлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди.

Сайёҳнинг кайфияти туристрларни қабул қиладиган ҳар қандай мамла­катнинг, айтиш мумкинки, асосий брэнди, яъни, товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёри­маизга яхши кайфият билан келиб, шундай кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустақам асосга қўйилган, деб ай­тишга ҳақлимиз. Бордию кимдир ёмон кайфият билан кетадиган бўлса, демак, биз унинг олдида қардоримиз. Демак, кейинги сафар айна шу сайё­ҳни ўзимизнинг ҳисобимиздан юр­тимизга тақлиф қилишимиз керак.

Хурматли сессия иштирокчилари! Биз ўтган давр мобайнида бажа­рилган ишларимизни баҳорлар экан­миз, Ўзбекистонда туризм соҳасини халқаро замонавий норма ва стан­дартлар даражасига қўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши англаймиз.

Ўзбекистонда ушбу соҳани ривож­лантиришнинг айрим кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Мамлакатимизга 2013 йилда дунё­нинг 70 дан ортиқ давлатидан сайё­ҳлар таширф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсат­кич 43 фоиз ўсди, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга таширф буюрди.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион дол­лардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тар­моқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компа­нияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тари­хий объектлар, архитектура ва ша­хар­созлик обидаларининг аксарияти­ни қамраб олган 110 та халқаро сайё­ҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекре­ацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стан­дартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбе­кистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиа­компаниямиз замонавий «Эйрбас» ва

«Боинг» авиалайнерлари билан таъ­минланган. Ушбу самолётлар Евро­па, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарла­рига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

«Тошкент — Самарқанд — Тошкент» йўналиши бўйлаб Испаниянинг «Талго» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги қатнови йўлга қўйилган. Ҳайлай­манки, сизлар буни реклама деб қабул қилмайсиз, лекин ўз таҳриба­миздан келиб чиқиб, барча мамла­катларга, жумладан, бизга қўшни бўлган давлатларга ана шу компания­нинг поездларини сотиб олишни тавсия этган бўлардим. Нега деган­да, улар ҳам, ҳам ишончли, энг муҳими, «Талго» фирмаси ўзининг яхши ҳамкор эканини амалда намо­ён этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки­ки, юқори тезликда ҳаракатланади­ган «Афросиёб» поезди қатнай бош­лаганидан буён юртимизда чет эл­лик сайёҳлар сони сезиларли дара­жада кўпайди. Бухоро ва Қарши ша­ҳарларига юқори тезликда ҳаракат­ланиш учун мўлжалланган темир йўл тармоқларини электрлаштириш ва куриш бўйича лойиҳалар амалга оши­рилмоқда. Бу эса туризм ривожу учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умий қиймати қарийб 3 миллиард дол­ларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган за­мо­навий автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш иш­лари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилги қуйиш шохобча­лари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига ол­ган кўп­лаб йўлбўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида халқаро туризмнинг асосий тузилма­сини ривожлантириш учун жами ин­вестицияларнинг 580 миллион дол­лардан ортиги йўналтирилди ва бу борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 19 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳ­лик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожлан­ган энг қадимий цивилизация ва ма­даниятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъ­морликнинг улуғвор ҳамда бетакор намуналарини назарда тутамиз. Айна пайтда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўп­лаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайди­ган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борада­ги энг катта имкониятларимиз қато­рида кўра­миз.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз-

ни жаҳон туризми марказларидан би­рига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор.

Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаёт­гани билан ажралиб турадиган мил­лий хунарамандликни қайта тиклаш ва ривожлантириши рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъ­кидламоқчиман. Ўзбекистонда мил­лий хунарамндлик соҳаси солиқлар­дан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этишни истардим.

Хунарамнд эсталиримизнинг неча асрлик таҳрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланил­моқда.

Ўзбекистондаги меъморий ёдгор­ликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Қуллолларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳин­дистон ва бошқа мамлакатлар мута­хассислари ўрганмоқда.

Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган ирвк сайёҳлик кўргаз­маларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилда йигирманч бор ўтказиладиган ва сайёҳлик бизнеси соҳасида мулоқот қилиш учун кенг имконият яратадиган Тошкент халқа­ро сайёҳлик ярмаркасига дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 12 мингдан ортиқ киши келиши кутилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан самарали ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва ушбу алоқалар­ни янада мустаҳкамлаш, қўшма дав­тур ва лойиҳаларни биргаликда амал­га оширишга ишонамиз.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг сай­ёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда Фарғона водийсининг ҳали ўрганил­маган сўлим ва гўзал гўшалари, Тош­кент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза маскан­ларидан фойдаланган ҳолда, «Буюк Ипак йўли» брэндини кенг жорий этиш ҳақида бормоқда.

Биз сизларни нафақат Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам кўриш, ўзбекона самимий меҳмондўстликдан баҳраманд бўлишингиздан ҳамиша мамнунмиз.

Бугун мана шу муҳташам залда тўпланганларга ана бир бор юксак хурмат-эҳтиромимни ихзор этаман, сессия иши самарали бўлишини, бар­чангизга сихат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ўзбекистонга кўрсатаётган эътибор ва ҳурматингиз учун миннатдорлик билдираман.

БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТАЛЕБ РИФАИНИНГ ЮНВТО ИЖРОЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Жанoби Олийлари!

Хонимлар ва жанoблар! Барчангизни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси махласида катнашаётганингиз билан қутлаш менга катта шараф бағишлайди.

Президент Жанoби Олийлари, сессиямиз ишида иштирок этганингиз учун Сизга самимий ташаккур ихзор этаман. Бу Сизнинг Ўзбекистон тараққийотининг муҳим йўналиш­лари­дан бири бўлган туризм соҳаси­ни шахсан қўллаб-қувватлаётганингиздан далолат беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо барча давлатлар ва унинг Ижроия кенгаши номидан форум юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдор­лик билдирмоқчиман.

Самарқанд шаҳри ва аҳолисига ҳам самимий меҳмондўстлик ва бугунги тadbирни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўрсатган ёрдами учун чин кўнгилдан ташаккур айтаман.

Салкам 3 минг йиллик тарихга эга ва дунё тамадудини бешикларидан бири бўлган қадимий ва улуғвор Самарқанд шаҳрида йиғилганимиздан барчамиз гоят мамнунмиз.

Самарқанд — бу асрлар жилосини муҳассам этган ва ўзининг бетакдор қиёфаси ва ноёблигини сақлаб кела­ётган замонавий шаҳардир.

Бу бугун биз жам бўлиб турган, шарқона шаҳар­созликнинг кўп асрлик

анъаналари ва замонавий архитекту­ра намуналарини уйғунлаштирган ушбу маҳобатли мажмуада ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу афсонавий шаҳарга мафтун бўлган шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таърифлаган.

Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани бу ерда туризм соҳасини кенг ривожланти­ришда муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон туризм соҳасида сезиларли ютуқ­ларга эришди, бунинг самарасида 2013 йилда ушбу саховатли замин­га 2 миллиондан зиёд сайёҳ кел­ди. Бу 2010 йилги кўрсаткичдан икки барoбар кўпдир.

Бу беҳиз эмас. Ўзбекистон ҳуду­дида 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгор­ликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхати­га киритилган. Шарқ дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Кўқон, Термиз шаҳарлари ва кўп­лаб обидалар шулар жумласидандир.

Шу йилнинг май ойида Самарқанд­да Ўрта асрларда Шарқда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккир­лар илмий меросининг замонавий цивилизацияга таъсири масаласига бағишланган ва жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини тортган нуфузли конференция бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кеча Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги акаде­мик лицейга ташриф буюриб, у ерда Ўзбекистон ёшлари илгор таълим технологиялари асосида билим ола­ётганига гувоҳ бўлдим. Улар кела­жакда ўз мамлакати, унинг равнақи, бой тарихи ва маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш­га хизмат қилади. Инглиз, немис, француз, араб, италян ва бошқа тилларда эркин сўзлаша оладиган бу ёшлар Ўзбекистоннинг келажак­дигир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаган туризм инфратузилмасини такомиллаштириш муҳимлиги ҳақидаги фикрга мен тўла қўшиламан. Замонавий аэропортлар ва темир йўл коммуникациялари, меҳмонхона ва ресторoнлар тармо­ли­ни янада ривожлантириш, шубҳа­сиз, Ўзбекистоннинг сайёҳлик жози­бадорлигини оширади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлан­тириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдиқ. Бугунги мажлис иштирокчи­ларининг аксарияти Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поездидан фойдаланди. Бу поезд туризмни ривожлантиришга ҳам ёрдам бериши муқаррар.

Европа тарихида муҳим ўрин тутган Ренессанс, яъни, Уйғониш даври аслида мана шу заминда анча илгa­ри бошланганини таъкидламоқчиман ва замонавий маданият ҳамда цивилизация айнан шу минтақада пайдо бўлган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Туризмни ривожлантириш катта масъулият талаб этади. Узининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистонда умумбашарий бойлик ҳисобланган ноёб тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ва қайта тиклашга катта миқдорда маблағ йўналтирилаётгани қувонarli ҳолдир.

Айни пайтда Буюк Ипак йўли маш­хур брэндага айлан­да ва бепоеён Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Буюк Ипак йўлини қайта тиклашнинг асосий ташаббус­корларидан биридир. Йигирма йил аввал айнан шу шаҳарда дунёнинг 19 давлати вакиллари ушбу тарихий йўлда сайёҳликни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилган эди.

Буюк Ипак йўлини дунёдаги етакчи сайёҳлик йўналишларидан бирига айлантириш мақсадида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа бугун 31 мамлакатни бирлаштирганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ижроия кенгашининг аввалги сессиясида 2013 йилда жаҳонда туризмни ривожлантириш борасида юқори кўрсаткичларга эришилгани қайд этилган эди. Бу халқаро ташиш­лар ва экспорт тушумлари ҳажмининг 5 фоизини ташкил этди.

Бу бизнинг умумий ишончимизни

янада мустаҳкамлайди. "ЮНВТО жаҳон сайёҳлик барометри"нинг сўнгги маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро саёҳатлар 4,6 фоиз ўсган.

Бу борада эришилган ютуқлар шундан далолат берадики, туризм сўнгги йилларда ижобий ўсиш суръатларини мустаҳкамлаб, бутун дунё иқтисодий тараққийига салмоқ­ли хисса қўшмоқда.

Геосиёсий ва иқтисодий таҳдид­ларга қарамасдан, 2010 йилдан буён халқаро саёҳатлар сони йилга ўрта­ча 5 фоиз ошмоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланишга, шунингдек, экспорт ҳажми ва иш ўринларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсат­моқда.

Туризм бугунги кунда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига ай­ланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан зиёд киши саёҳат қилмоқда.

Жаҳон ялпи маҳсулотида туризмнинг улуши 9 фоизни ташкил этмоқ­да, янги ташкил этилаётган ҳар 11 иш ўринининг биттас

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНВТО ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу йил йигирманчи марта ўтказилган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси дастуридан қатор муҳим тадбирлар ўрин олган. Ярмарка арафасида Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилиши алоҳида таъкидланган. Ўттиздан ортиқ мамлакат делегациялари иштирок этаётган мазкур мажлисда халқаро туризмни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. Сессия Буюк Ипақ йўли бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган.

ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш бўйича қарор Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг яққол

тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Бу форум хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва янада мустақамлашга хизмат қилади. Жаҳоннинг етакчи экспертларига халқаро туризм бозорининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги янги тенденциялар ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини яратди.

Талоб Рифаи самийи қабул ва сессиянинг юксак даражада ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентига чукр миннатдорлик билдириб, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бундан кейин ҳам мамлакатимиз билан ҳам томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎзА).

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари мухташам мажмуани ва унинг атрофида олиб борилган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Муқаддас динимизга мувофиқ масжидда Куръони каримдан тиловат қилинди.

Ислоом Каримов масжиднинг ички ва ташқи қириши, баҳаво айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бино кўбасидаги олтин суви билан зийнатланган нақшларни кўздан кечириб, кўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Айни вақтда нафақат

мамлакатимиз, балки минтақамизда ягона, бетакрор бўлган ушбу диниёт маскани ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши, бу ерга тоат-ибодат ниятида келадиган мўмин-мусулмонлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш бўйича қурувчи ва мутахассисларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Халқимизнинг пок қалбини, олижаноб орзу-интилишларини, эзгу ниятларини ўзида мужассам этган ушбу муаззам мезморий мажмуа маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нурини зийда этишга хизмат қилиши муқаррар.

(ЎзА).

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш, иқтисодий, ҳуқуқий билиминини муттасил ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги эзгу саяё-ҳаракатлар халқаро микёсда ҳам эътироф этилиб, соҳада ҳамкорликнинг тобора кенгайиши ва мустақамлашишига хизмат қилмоқда.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди ҳамкорлигида "Ўзбекистонда молия секторини ривожлантириш" лойиҳасининг амалга оширилиши бунинг тасдиғидир.

Ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Шарқий Германия жамғарма кассалари уюшмаси вакиллари билан иборат делегация аъзолари Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ишлаб чиқариш, миллий ҳунармандлик корхоналари, бизнес марказлари, оилавий тадбиркорлар фаолияти билан танишди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова билан учрашди.

Учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оилалар фаровонлигини ошириш, хотин-қизларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб меҳнат, турмуш шароитлари яратиш масаласи Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар жараёнида устувор аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оилалар фаровонлигини ошириш, хотин-қизларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб меҳнат, турмуш шароитлари яратиш масаласи Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар жараёнида устувор аҳамият касб этмоқда.

Назолат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизларга эътиборни кучайтириш, соғлом авлодни вояга етказишга оид амалий чора-тадбирлар кўлами янада кенгайди.

"Ўзбекистонда молия секторини ривожлантириш" лойиҳаси 2011 йилдан буюн амалга ошириб келинмоқда. Ундан қўланган асосий мақсад — хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, виллоятларда кичик бизнесга кредитлар ажратилиши, фаолиятини энди бошлаётган тадбиркорларга бизнес-ни юритиш бўйича тушунтириш ишлари олиб боришдан иборат.

Ўтган вақт мобайнида лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча виллоятларда Ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилиб, ушбу марказлар зарур ўқув-ўқувчи висталар билан жиҳозланди. Лойиҳа доирасида кредит фондига тадбиркорларга кредит ташкил этилиб, аёларга кредит ажратилиши. Марказий банк ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида аҳолининг иқтисодий билимларини оширишга қаратилган семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Лойиҳа доирасида кредит фондидан 102 нафар аёлга сармоя ажратилди, 546 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналик ва болалик, оилалар манфаатларини ҳимоялашга доир катта ҳажмдаги ишларга гувоҳ бўлдик, — дейди Шарқий Германия жамғарма кассалари уюшмаси президенти Михаел Эрмих.

САЙЁҲЛИК СОҲАСИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бунда мамлакатимиздаги мустақам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ҳамда ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, шунингдек, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари ташкил қилиниб, уларда юксак сифатли хизмат турлари йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби қўллаб турлари ривожланиб бораётди.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Уларнинг ҳар бири ҳамиша дунё ахлини ўзига ром этиб келган. Хусусан, Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Улугбек расадхонаси, Бухоронинг кўҳна Арк қалъаси, Сомониёлар мақбараси, Хиванинг Ичан-қалъаси, Қаршиннинг Одина, Кўкғумбаз обидалари, Шахрисабзнинг Оқсарой маданий ёдгорлиги, Кўкўн ўрдаси доимо сайёҳлар билан гавжум. Мустақиллик йиллари Президентимиз ташаббуси билан Абдуҳолик Гўлжудовий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий ҳамда Имом Мотуридид, Бурхониддин Маргиноний, Ҳазрати Имом сингари улуг зотларнинг ёдгорлик мажмуалари барпо этилиб, буюк аждодларимиз, азиз-авлиёларимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилди. Бугун ана шу мажмуалардан зияратчилар қадами узилмайди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Азалдан меҳмондўстлики жойига қўйиб, кўпчиликка ўрнатилган халқимиз истиқлол йилларида ана шу аждоиб фазилатини сайёҳлик индустрияси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини тақомиллаштириш орқали янада яққолроқ намойён этапти. Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни, Президентимизнинг "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Хозирги кунда юртимиздаги бешта олий ўқув юрти ҳамда 11 коллежда мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, уларда сервис хизмати кўрсатиш сифати ахшиллаётди боришмоқда. 2011 — 2013 йилларда

мамлакатимизга келган хорижий туристлар сони 129,5 фоиз ошди. Сайёҳлик хизматлари ҳажми 175,8 фоиз, шундан хизматлар экспорти 180,2 фоиз ўсди. Мингдан ортиқ сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 550 туроператор — сайёҳлик компанияси, 500 дан зиёд меҳмонхона уларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишмоқда. Бугунги кунда республика-мизда мазкур соҳада 200 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.

Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, транспорт коммуникациялари барпо этилаётгани Ватанимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сафининг муттасил кенгайиши, ички туризмнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда Самарқанд, Бухоро, Қарши йўналишлари тезкор, Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарлари оралигида эса қўқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб", шунингдек, туристлар учун мўлжалланган "Афсона", "Шарқий Ипақ йўли экспресс" каби поездлар қатнови йўлга қўйилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарларидаги аэропортларда модернизациялаш тадбирлари олиб борилди. Натижада улар халқаро аэропорт макomini оиди. Ҳозир ушбу худудлардан Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Америка мамлакатларидаги 50 дан зиёд шаҳарларга парвозлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси парки жаҳонга машҳур "Airbus" ҳамда "Boeing" компаниялари самолётлари билан бойитилди. Ана шу жиҳатлар ҳам юртимизнинг ушбу соҳадаги имкониятлари нечоғли юксак эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Сўнгги беш йил ичида 2600 километр узунликдаги автомобиль йўллари замон талабларига мос равижада реконструкция қилинди. Натижада мазкур магистраллар атрофида замонавий сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари барпо этилди.

Қолаверса, келгусида ўзига хос мусафво ҳаво ва сўлим табиғатга эга бўлган Фарғона водийси ҳамда Тошкент ва Жиззах виллоятларининг туризм имкониятларини қўқори босқичга олиб чиқиш мақсадида изчил чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилиниши кўзда тутилган.

Ўзбекистон 1993 йилдан бери Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО)га аъзо мамлакат сифатида ўзаро ҳамкорликда қатор муҳим тадбирларни ўтказиб келади. Буюк Ипақ йўли мамлакатларининг биричи мажлиси (Самарқанд, 1994 йил), Мадааний меросни сақлаш бўйича семинар (Бухоро, 1996



йил), Ипақ йўлида туризмни ривожлантириш бўйича учинчи мажлис (Бухоро, 2002 йил) шулар жумласидандир. 2004 йилда эса Самарқандда ЮНВТOnинг Минтақавий офиси очилди. 2010 йил 8-9 сентябрь кунлари худди шу шаҳарда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талоб Рифаи иштирокида ўтказилган навбатдаги мажлисда "Ипақ йўли" савдо белгисини жаҳон сайёҳлик бозорига олиб чиқиш борасида муҳим қадам қўйилди. Шунингдек, ЮНВТOnинг 2011 йил октябрь ойида Жанубий Кореяда ўтказилган Бош ассамблеясида Ўзбекистоннинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг аъзолигига иккинчи марта сайланиши, унинг 99-сессияси эса Ўзбекистонда ўтказилаётгани мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги халқаро микёсда кенг эътирофни топаётганининг ёрқин далилидир.

Анъанавий тарзда ташкил этилаётган "Ипақ йўлида туризм" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси, "Дам олиш дунёси" халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил йўлга қўйилганини ифода-лаб турибди. Ана шундай нуфузли тадбирларни ўтказишдан қўланган асосий мақсад Ватанимизнинг туризм салоҳиятини жаҳон жамоатчилигига янада яқиндан таништириш, хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни бундан-да кенгайтириш ва мустақамлашдан иборатдир.

Айтиш жоизки, мазкур халқаро форумни ташкил этиш учун айнан Самарқанд шаҳрининг танлангани бежиз эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, кўҳна ва ҳамиша ўзбекистонликни бундан-да кенгайтириш ва мустақамлашдан иборатдир.

Сўз — халқаро форум иштирокчиларига

«Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари бизни ҳайратга солди»

Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўз ишини бошлади. Мухбирларимиз ушбу нуфузли тадбир қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Ален ПЕЛЕ, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти юрдиқ маслаҳатчиси (Франция):

— Самарқанд деганда, қадимий шаҳар манзаралари ва кўҳна иморатлар кўз олдимга келарди. Юртингизга ташриф буюриб, у ўзида замонавийликни уйғунлаштирган, Европанинг унча-мунча шаҳридан қолишмайдиган замонавий кент эканлигига гувоҳ бўлдим. Айниқса, Самарқанднинг бугунги қиёфаси ҳар қандай сайёҳни ўзига мафтун этади.

Бинокорлик ҳам ўзига хос санъат бўлиб, ҳар бир мамлакатда унинг ўз ривожланиш тарихи ва услублари бор. Аммо юртингиз мезморийчилиги ўзининг мураккаб ечимлари, шарқона жозибаси ва улғурлиги билан тамомила ажралиб туради. Бунга асрлар аша тароватини йўқотмасдан кел-

ётган обидаларга боққан киши яққол амин бўлади.

Эътиборлиси, бу ердаги замонавий бинолар қилинишида ҳам миллий услубга мурожаат қилинган туфайли шаҳар бетакрор кўриниш касб этган. Унинг сўлим ҳавоси, обод хиёбонлари, ям-яшил майсазорлари, фавворалари ҳар қандай диди нозик сайёҳнинг ҳам кўнглини хушуд этишига ишончим комил.

Зелимир КРАМАРИЧ, Хорватия сайёҳлик вазирининг ёрдамчиси:

— Президент Ислоом Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилишидаги маърузасини тинглаб, юртингизда сайёҳлик жадал ривожланиб бораётганига яна бир қарар амин бўлдим. Унда айтилишича, Ўзбекистонга 2013 йилда икки миллиондан

ортиқ сайёҳ ташриф буюрибди. Келгусида бу рақамлар яна бир неча баробар ортishi аниқ. Негаки, ўлкангизнинг туризм салоҳияти ниҳоятда қўқори бўлиб, уни янада тараққий эттириш учун барча имкониятлар ишга солинаётганига гувоҳ бўлдим. Буни мамлакатингиздаги замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари фаолияти, шаҳарлараро ҳаво ва темир йўл транспортли алоқасининг яхши йўлга қўйилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сайёҳлик манзилларида чет эллик меҳмонлар учун барча шароит яратилган. Айниқса, одамларнингизнинг самийишлиги, очикўнчилиги, ростини айтсам, мени лол қолдирди. Фикримча, инсонларнинг бир-бирига бўлган бундай яқин муносабатида, инноклигида кўп асрлик улкан маънавий қадриятларнинг ўрни катта.

Даниэла Гарза Риос ЭЙЧЕННЕ, Мексика сайёҳлик вазирлигининг департамент директори:

— Ўзбекистоннинг шарқона гўзаллиги ва замонавий мезморийчилик анъаналари уйғунлашган тароватли масканлари, меҳмоннаво одамлари мени ҳайратга солди, бу юртга бўлган меҳримни янада оширди. Қаерга бормайлик, самийилик билан кутиб олишмоқда. Ўзбек халқига хос бўлган бетакрор анъаналар, бежирим либосларини айтмайсизми? Буларни сўз билан таърифлаш жуда қийин. Уларни кўриб, олам-олам завқ олдирсан, қалбингни ажиб хислар чулғайди.

Мана шундай гўзал, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар юртида яшаётган, ўзларининг ютуқлари билан уларга муносиб авлод эканлигини тўла намойён этаётган бағрикенг Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, барқарор тараққий тилайман.

Сапта НИРВАНДАР, Индонезия сайёҳлик вазирининг ўринбосари:

— Ўзбекистон — сайёҳлик салоҳияти қўқори мамлакат. Кўлаб маданий объект-

тириш, агро каби фаол турларини тақомиллаштириш, ички туризмни қўллаб-қувватлаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, миллий ҳамда замонавий рестороанлар, чой-хоналар, турли кўнгличор масканлар барпо этилмоқда. Урганч, Самарқанд, Жомбой, Пахтачи ва бошқа туманларда янги сайёҳлик йўналишлари очилапти. Жумладан, Урганч туманидаги Юқори чинор зияратгоҳи, "Тахтиқорача" домини атрофи ҳамда "Мингарча" дам олиш маскани, Самарқанд туманининг Оҳалик ва Миронкўл қишлоқлари худуди, Нуробод туманининг Оқсой қишлоғидаги Ҳазрати Довуд зияратгоҳи ва Нуробод қишлоғидаги "Нурбулок" санаторийси атрофи, Жомбой туманидаги "Зарафшон" қўриқхонаси, Пахтачи туманидаги Добўсия қалъаси атрофида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида сайёҳлар кўпроқ келадиган тарихий обидалар ва бошқа объектларда маълумотлар жойлаштирилган стендлар, Самарқанд халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалда сайёҳлик-экскурсия хизматлари ўрнатилди. 2015 йилдан бошлаб виллоятдаги бошқа туризм объектларида ҳам ана шундай қулайликлар яратилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда виллоятда юзга яқин меҳмонхона, юздан ортиқ сайёҳлик фирмаси фаолият юртимокда. Ваҳошонки, мустақилликка қадар уларнинг сони бармоқ билан санарли эди.

Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш бўйича чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашишмоқда, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилаётди.

Хусусан, сессиянинг ялли мажлисида Буюк Ипақ йўли — халқаро сайёҳликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар

малакасини ошириш, минтақавий ривожланиш ҳамда интеграцияни рағбатлантиришда сайёҳлик йўналишларининг роли, халқаро туризмнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби муваззаларда маърузалар тингланди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари Регистон мажмуаси, Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбаралари, Мирзо Улугбек расадхонаси, "Афросиёб" музейи каби диққатга сазовор жойлар ҳамда замонавий таълим муассасалари фаолияти билан ақиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Халқаро анжуман бугун ўз ишини давом эттирди.

Фазлиддин АБИЛОВ, Мамодёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири:

Фарҳа ҚУРБОНБЕКОВА, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



Хосен ПАЙДОЕВ олган сурат.



Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида якунига етаётган XVII Осиё ўйинларида юртдошларимиз кўлга киритаётган натижалар кундан-кун салмоқли бўлиб бормоқда. Хусусан, спортнинг бадиий гимнастика, юнон-рум кураши, таэквондо (WTF), енгил атлетика ва бокс турларида иштирок этган вакилларимиз шоҳсупанинг турли погоналаридан жой олишди.

Совриндорлар сафи кенгаймоқда

Бадиий гимнастика

Жамоавий баҳсларда Жамила Раҳматова, Валерия Давидова, Равиля Фархутдинова ва Анастасия Сердюкова тўртлиги мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олтин медаль билан тақдирланишди. Улар умумий баллар бўйича Жанубий Корея, Хитой ҳамда Япония каби кучли гимнастика мактаби вакиллари ортада қолдирди.



17th Asian Games
INCHEON 2014

Енгил атлетика

Ушбу тур бўйича баҳсларда ҳам ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этди. Хусусан, хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган балангликка сакраш баҳсларида ҳамюртларимиздан Светлана Радзивиц олтин ва Надежда Дўсанова бронза медаллар билан юртимизга қайтадиган бўлди. Леонид Андреев ўн кураш, Александра Котлярова уч хатлаб сакраш мусобақаларида кумуш медаллар билан тақдирланди. Найза улоқтириш беллашувларида Иван Зайцевга бронза медаль насиб қилди.

Таэквондо

Осиё ўйинларида мазкур спорт турида ҳам вакилларимиз муносиб қатнашди. Шоҳсупанинг энг юқори погонасидан ўрин олган Жасур Бойқўзиёв (-87 кг.) шарафига юртимиз мадҳияси яна бир бор янгради. Максим Рафалович, Никита Рафалович ва Дмитрий Шокин ўз вазн тоифаларида кумуш медални кўлга киритишди.

Юнон-рум кураши

Яна бир олтин медаль юнон-рум кураши бўйича 85 килограммгача бўлган вазн тоифасида гиламга чиққан Рустам Аскаловга насиб этди. У финалда Жанубий корейлик Ли Си Йол устидан галаба қозонди. Мазкур спорт турида Дилшоджон Турдиев (71 кг.) кумуш ва Бесике Салдадзе (80 кг.) бронза медалларига эга чиқди.

Бокс

Учрашуларда рингга кўтарилган Ойбек Мамазулов (81 кг.) ва Мирзохиджон Абдуллаев (+91 кг.) га ярим финалда омад етишмади, юртдошларимизга бронза медаль топширилди.

Шу тарихда мазкур мусобақада ўзбекистонлик спортчилар томонидан ҳозиргача жамғарилган жами медаллар сони 40 та (9 олтин, 11 кумуш, 20 бронза)га етди.

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.
Анвар ИЛЁСОВ олган сурат.

Ёшларимизнинг иқболи ва келажаги

таълим-тарбия жараёнига, ўқитувчи, устоз ва мураббийларнинг фидойилиги, ғайрат-шижоатига чамбарчас боғлиқ

Рағбат ва эътибор кишини жўшиб меҳнат қилишга, ибрат кўрсатиб ишлашга ундайди. Шу маънода, биз, ўқитувчи ва мураббийлар ҳар қанча фахрлансак арзийди. Негаки, ҳаммил эътибор ва эъзоздаммиз. Президентимиз ташаббуси билан ёш авлодга таълим-тарбия берадиган соҳа вакилларининг хизматлари алоҳида қадрланаётгани фикримиз исботидир.

ДИЛ СЎЗИ

Мана, куни кеча касб байрамимиз кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини эшитиб, касбимиз масъулияти ва шарафини яна бир бор чуқур ҳис этдик. Бинобарин, табрикда таъкидланганидек, ўқитувчилик — фидойиликни талаб этадиган шарафли меҳнат. Тўғри-да, агар устоз намуна ва ибрат кўрсатса, ҳеч шубҳасиз, унинг бу фазилати шогирдлари

фаолиятида ҳам ўз ифодасини топади.

Дароқе, касб-хунар коллежизмининг моддий-техник даражаси ҳам мақтаса арзигулик. Масалан, ҳозир 12 та йўналишда тахсил олаётган ва хунар ўрганаётган ёшларга малакали ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш усталари бириктирилган. Амалиёт машғулотларимиз учун зарур жиҳозлар ва етарли хом ашёга эгамиз. Хусусан, ўқувчиларимиз пайвандлашни хорих

технологияси асосида ўрганади. Шунингдек, деярли барча дарс ва амалий машғулотларда мультимедиа дастурларидан фойдаланилмоқда. Ўзим пойтахтлик олимлар билан ҳамкорликда тикувчилик йўналишида миллий каштачиликни енгил санаят амалиётида қўллаш бўйича янги педтехнология яратдим. Ушбу ўқув дастури тез орада китоб ҳолида тақриблиш арасида.

Коллежизмидаги мавжуд мутахассислик йўналишлари ҳудуд ва замон талабларига мос ҳолда ташкил этилган. Дейлик, бугунги кунда туманимизда мобил телефонлар ишлаб чиқараётган Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида меҳнат қилаётган ёшларнинг аксарияти битирувчиларимиздир. Бир қатор фармацевтика санаяти корхоналари учун мутахас-

сислар эса биокимё йўналиши-мизда тайёрланмоқда. Шунингдек, битирувчилар чарм-пойабзал, вагонлар таъмири, компьютер технологияси сингари мураккаб ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги ёшларимиз орзу-истакларида шу юрт тараққиёти, манфаати учун хизмат қилиш, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш иштиёқи устувор. Уларнинг камолини кўриш ҳамда биз устозлар, ота-оналар ва умуман, бутун халқимиз учун энг улғу саодатдир.

Гулчехра ГАЙБУЛАЕВА,
Сирдарё санаят касб-хунар коллежизмининг ишлаб чиқариш таълими устаси,
«Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси.

Олтиариқда пистадан илк ҳосил олинди

Олтиариқлик фермер Абдураҳим Оламов янги ерларни ўзлаштириб, боғ яратишда катта тажрибага эга. Жорий йилда у Қапчугай адирликларидан барпо этган пистазоридан нишонга ҳосил олинди.

ИЗЛАНИШ

— Бу тепаликлар пистазорлар яратиш учун жуда қўлай жой, — дейди фермер. — Чунки писта сув кам ерда ҳам илдири отиб, яхши ҳосил беради. Дастлаб кўчатларни маҳаллий шароитга мослаштириш мақсадида уруғларни гул тувакларга экиб, уй шароитида уч йил парваришладик. Шу йилнинг баҳорида эса уларнинг очик майдонга ўтказдик. Мана, натижа кутганимиздек ижобий бўлди. Бундан ташқари, айни пайтда туманимиздаги боғдорчиликнинг ушбу тури билан шуғулланишни истаган деҳқон ва фермерларга амалий кўмак ҳам кўрсатаёلمиз.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Махсулот сертификатланган.



Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50.
Факс: (+998 71) 267-71-90.

e-mail: office@fortek.uz
web: www.fortek.uz

«ОНАУС» тарозилари Ишончли Аниқ

Кенг танлов
www.fortek.uz

VEGA Certification

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларини автоматлаштириш



Талабномадан сертификатни нашр этгунча автоматлаштириш

Ҳисоботлар
Вақтни тежаш
МТХ билан тез ишлаш

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.
Факс: (+998 71) 267-71-90.

e-mail: info@vega.uz
web: www.vega.uz

CENTRAL ASIAN INDUSTRIAL WEEK

КЎРГАЗМАЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

«Марказий Осиё САНОАТ ҲАФТАЛИГИ»

21-23

октябрь 2014 «Ўзэкспомарказ», Тошкент

UZCOMAK miningworld MACHINERY Chemie plastex

facebook.com/ITEUzbekistan.uz

«ITE Uzbekistan»
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳқўчаси, 59-«А» уй.
Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz



Guvoҳnoma № 3583

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Мусахҳат — Ш. Машраббоев.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси